

ОДАМ САВДОСИ ГЛОБАЛ МУАММО

Аммо соддадил қизлар ўтирган самолёт Кореяга эмас, балки БААГА қараб йўл олади. Илоҳсиз, қонунлардан беҳабар, ҳужжатсиз қизлар ўзларидан олдин сотилган аёлларнинг қисматига шерик бўладилар...

3-БЕТ

АНДИША

— Шаҳарда яшаб, андишани унутиб қўйибсан. Битта ариқни деб кўздек қўшничиликка путур етказмоқчимисан? Одамлар нима дейди?

4-БЕТ

ЎСМИР ЙЎЛ БОШИДА АДАШМАСИН

Лекин «фарзандларинг ҳақида ёмон гапиришайптими, билгинки, гап сен ҳақиқинда кетаяпти», деган ҳикматни ҳам унутмаслик керак.

5-БЕТ

ҚОРА ЧОДРАЛИ АЁЛ

Канал ёқасига келгач беғуноҳ қизнинг юзини сувга аввал қўли билан сўнг эса оёғи билан босиб турди. Қиз шўрлик жонҳолатда типирчилай бошлади.

7-БЕТ

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

12

(327)

YURIDIK GAZETA

Mart	
D.	1 8 15 22 29
S.	2 9 16 23 30
Ch.	3 10 17 24 31
P.	4 11 18 25
J.	5 12 19 26
Sh.	6 13 20 27
Y.	7 14 21 28

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Мана шу гўзал, шуқўхли ва тароватли айёмда, одамнинг юраги юмшаб, гина ва аразлар унутиладиган шу лаҳзаларда мен барча юртдошларимизга қарата даъват қилмоқчиман:

Азизларим, биродарларим, бу ғанимат дунёда бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшайлик.

(Президент Ислам КАРИМОВнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан).



Суратда: Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий бода ўтказилган Наврўз тантаналаридан лавҳалар

А.ТУРАЕВ олаган суратлар

FARMON VA IJRO

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида прокуратура идоралари олдига бир қанча муҳим вазифалар қўйилган. Ҳўш, бу вазифалар нималардан иборат ва унинг ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда? Самарканд вилоят прокурори, адиля қатта маслаҳатчиси Акбаржон АЗИЗОВ бу ҳақда муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

ЕР СОТГАН РАИС

— Аввало шунга айтиш лозимки, кишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қатор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари чиқарилиб, уларнинг ижроси прокуратура органлари томонидан мунтазам назорат қилиниб боришмоқда. Лекин, кўрилатган чора-тадбирларга қарамаздан, бу соҳада ҳамон кўпалаб камчиликлар мавжуд. Шунинг учун ҳам 2003 йил 11 мартда Президентимиз юқорида номи қайд этилган фармонга имзо чеки.

Фармон билан танишар эканман, кўз ўнгимдан айнан бизнинг вилоятимизда юз бераётган хўжайисизлик ва қонунбузилишлар

ўтгандай бўлди.

Утган йили кишлоқ хўжалигига доир қонунлар ижроси бўйича 400 дан зиёд текшириш ўтказдик. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 147 та тақдирнома киритилди, 360 нафар мансабдор ва моддий жавобгарликка тортилиб, 14 млн. сўмдан ошқ етказилган зарарнинг ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 100 дан ошқ жиноят иши қўзғатилди, судларга 170 та даъво аризаси киритилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Кишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек хўжалик юртувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида:

1. Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юртувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимининг ташкил қилинсин ҳамда уларга 48 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан марказий маҳкама учун 3 та штат бирлиги ажратилсин.

2. Худудий прокуратураларнинг кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юртувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда Ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш; асосий кишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва галла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текширишлар ўтказиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда масъул шахслар томонидан хизмат маъвеке суистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик;

ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, сугорилладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиш ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаятган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материалларини ўғирлаб талон-тарож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда кишлоқ хўжалик техникасини ишлашда хўжайисизлик фактларининг олдини олиш чораларини кўриш;

кишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан қонунчиликни кенг кўламада тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

3. Мазкур ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, шунингдек вилоят, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг тузилмаси 1-6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Прокуратура тизими (ҳарбий прокуратурадан ташқари) ходимларнинг чегараланган умумий сони 4641 та штат бирлигидан, шу жумладан бошқарув ходимлари — 3791 штат бирлигидан иборат қилиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (Р.Қодиров) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазири (М.Нурмуродов) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг штатлар рўйхатини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

5. «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги 33-сон Қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 11 март.

ЕР СОТГАН РАИС

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).
Очиқ тан олиш керак, гарчанд, марра забт этилган бўлса-да ўтган йили вилоятда давлатга пахта сотиш йиллик режасини уйдлаш борасида баъзи узилишлар юзага келганидан кўз юмолмаймиз. Бунинг сабабларини «юқори»дан, эн-веримиздан эмас, ўзимиздан изласак, ҳақиқатга яқинроқ бўларди. Биргина чигит экишдаги ҳолатларни олайлик. Айрим ҳўжалиқларда чигит қадалиши режалаштирилган майдонларга ўзбошимчилик билан бошқа экинлар экилган. Масалан, Оқдарё тумани, «Гулистон» ширкат ҳўжалиги, 9-бригадасининг 124 кон-турдан 12 гектар ерга пийёз экилган.

Каттақўрғон тумани, «Бўстон» ширкат ҳўжалигининг бригада бошлиғи Н.Эшқуватов эса пахта экилган 2,8 гектарни ўзбошимчилик билан бузиб, фуқароларга бўлиб бериб, ҳўжаликка 1 млн. 567 минг сўм миқдорда зарар етказган.

Олиб берилган тезкор тадбирлар натижасида чигит экиш режалаштирилган ҳамда чигит экилган майдонлардан жами 4306 гектарга қунгабоқар, ловия, мош, ерғоғок ва бошқа полиз экинлари экилганлиги аниқланиб, бундай ўзбошимчиликлар гуруҳ аъзолари томонидан бар-тарafd этилди.

Жойларда ерларнинг талон-тарож қилиниши ва пора эвазига фуқароларга ноқонуний равишда берилиши одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Боз устига, ерларни назорат қилиш вази-фаси муқаддам судланган ва таъми-гир кишилар қўлига бериб қўйилган. Улар эса...

Пойриқ туманидаги П.Нурмонов номли ширкат ҳўжалиги ер тузувчиси Ҳ.Исаев 2003 йил 14 май куни фуқаро И.Санақуловга ҳўжа-ликдан қўшимча ер ажратиб бериш учун 100 минг сўми пора тариқа-сида олаётган чоғида ушланган.

Оқдарё туманидаги «Қаҳрамон» ширкат ҳўжалиги собиқ раиси 3.Райимқулов, тафтиш комиссияси раиси Р.Ериев, ер тузувчиси Ф.Мар-диев ва 3-бригада бошлиғи А.Саидовқосовлар фуқаро М.Исломова-га 100 минг сўм пора эвазига ҳўжа-ликнинг 78 контуридан 0,70 гектар ажратиб бериб, ерни талон-тарож қилганлар.

Юқоридаги қонунбузарликлар юзасидан жиноят ишлари қўзғати-либ, тергов ҳаракатлари ўтказилди ва айбдорлар суд томонидан теги-лиши жазога тортилдилар.

Яна бир огрикли масала хуСУси-да алоҳида тўхтаб ўтишни истар-дим. Айрим порахўр раҳбарлар ҳўжа-лик ерларини худди ота-боболари-дан қолган мулкдек сотишдан ҳам тап тортмаптилар. Каттақўрғон тумани, «Пахтакор» ширкат ҳўжа-лиги раиси Р.Иброҳимов фуқаро Ҳ.Зокировка ҳўжалик еридан ноқо-нуний равишда уй-жой қуриш учун ер бериш мақсадида 300 минг сўми пора тариқасида олганда ушланди. Яқин кунлар ичида ўтказиладиган суд мажлисида раис жаноблари бу қилишни учун жавоб беради.

Техника ва механизмлар деҳ-қонининг ер қин кўмақдоши экан-лигини ҳамма яқши билади. Ерни шудгорлашдан тортиб, то ҳосилни жамлаб олгунга қадар бўлган бар-ча юмушлар техниканинг зиммаси-да. Деҳқоннинг оғирини енгил қилиб

турган ана шу техникаларга ҳам кўз олайтираётган, ўз манфаатлари йўлида уларни «гумдон» қилиш па-йида юрган раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Каттақўрғон тумани, «Буюк Ту-рон» ширкат ҳўжалигининг собиқ бошқарув раиси Қ.Иброҳимов ҳўжа-ликка тегишли бўлган 67 турдаги, умумий балан қиймати 8 млн. 367 минг сўмлик қишлоқ ҳўжалиги тех-никаларини ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмларни ўзлаштириб юборган. Унинг кирдикорлари прокуратура томонидан фoш этилиб, «олиб-со-тар раис» суд ҳўкми билан 6 йилга озодлиқдан маҳрум қилинди.

Бу борада ўтказилган текши-ришлар натижасига кўра 100 га яқин прокурор назорати ҳўжжатла-ри қўлланилди, 6 та жиноят иши ҳам қўзғатилди.

Агар таҳлилларга кўз югуртира-диган бўлсак, урулқ чигитлар, маҳаллий ўғитлар ва заҳарли хи-микатлар, шунингдек, ёнигли-мой-лаш материалларининг сакланиши ҳамда сарфланишида ҳам ана шун-дай таниш-билишчилик, ҳўжасиз-лик ҳолатлари рўй бериб келганли-гига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мум-кинки, Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги Фармони қишлоқ ҳўжа-лиги соҳасида давом этиб келган қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Бу борада про-куратура идоралари олдига аниқ вази-фалар қўйилди. Уйлаймкин, Фармон ижросини таъминлашга имкониятимиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

«НУҚУҚ» мухбири
М.АЛОВУДИНОВ эъиб олди

ФЕРМЕРЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

КАШҚАДАРЁ вилоят прокуратурасининг наشري «Адо-лат кучи» газетасининг навбатдаги сони фермерларга ҳўжўкий ёрдам сифатида чоп этилди. 12 саҳифадан иборат газетанинг илк саҳифиси «Фермер ҳўжалиқлари тараққиё-ти иқтисодий ёрдамни истиқболқилини пойдевор» шўртни, юр-тбошимизнинг шу йилнинг 7 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳқамаси мажлисидаги маърузасидан парча ҳамда «Президент Фармони ва Вазирлар Маҳқамасининг қарори буйруқбозликка чек қўйди» сарлаҳали мақола билан бошланади.

Газетанинг ички саҳифаларида намунавий шартнома-лар, «Прокуратура — инсон ҳўқўқлари йимоячиси», «Каш-қадарё пахта толаси — бутун жаҳон сифат қўмитасининг олтин соврини соҳиб», «Деҳ-қон ва фермер ҳўжалиқлари афзаллиқлари», «Шартнома тузишда фермер ҳўсоби оли-ши шарт бўлган меъерлар» каби мақолалар ўрин олган. АҚШ, Россия ва Ўзбекистон фермерлари ҳақида ҳўқоя қилувчи лавҳалар эълон қилинган.

Хуллас, газетанинг ушбу сони фермерлар учун жуда фойдали дастур бўлиб хизмат қилади.

Д.МАЪДИЕВ

АХБОРОТ

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Фаргона вилоят прокуратурасида кенгайти-рилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ ҳўжа-лигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонининг иж-роси билан бўлиб вазифалар мўҳожама қилинди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган йиғилишда ишти-рокчилар тармоқда тўғиланиб қолган муаммолар-нинг қонуний ечимини топиш бўйича ўзаро фикр алмашдилар, тақлиф ва мулоҳазаларни баён эт-дилар. Ўтган йилларда йўл қўйилган хато ва кам-чиликлар, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, пахта, галла етказиб бериш бўйича давлат бюртомаларини бажаришга замин яратиш учун олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб бер-дилар.

Мажлисда соҳада қонунбузилишларнинг ол-дини олишга эришиш, Президент фармони иж-росини таъминлаш ўзаро калин ҳамкорликда иш-лашни тақазо этиши таъкидлаб ўтилди.

(Ўз мухбиримиз)

PORAXO'RLIK — ILLAT

Очигини айтганда, ушбу жиноий ишни илк бор қўлимга олганимда нечоғлик ажабланганлигимни тасвир-лашим қийин. Турли соҳа-ларда юз берган у ёки бу даражадаги таъмигирлик ҳолларига дуч келиб тура-миз. Лекин энг шарафли қасб соҳиблари бўлиши устоз-муаллимлардан бундай қилмиш қиқиси...

Жиззах шаҳар халқ таълими бўли-ми мудири Ковил Комилов бир неча йиллар давомида ўқитувчилик қилган, кўп-лаб шоғирлар тайёрлаган. Лекин «ГорОН» деганларига бош бўлиш минглаб келажак вақиларга тарбия-сизга масъул бўлиш деган гап. Шў, мана шундай лавозимнинг масъули-ятини К.Комилов қанчалик оқлай олди.

Халқ таълими бўлими билан «Чак-моқ» чорвачилик фермер ҳўжалиги ўртасида 2003 йил 3 февраль куни гўшт ва сўт маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома тузила-ди. 2003 йил 1 ноябрь ҳолатига «Чак-моқ» фермер ҳўжалиги томонидан шартномага асосан 2 млн. 47 минг

сўмлик гўшт маҳсулотлари етказиб берилади. Лекин туман халқ таълими бўлими олинган маҳсулотга пул ўткази-шга кўп ҳам шошилмайди. «Чак-моқ» фермер ҳўжалиги иш юритувчи-си З.Ҳакимов, шаҳар халқ таълими бўлими мудири К.Комиловга учраш-ганида, ҳозирча бир миллион сўм ўтказиб берилиши, шундан ўн фоиз — юз минг сўм «устама» бериши ло-зимлигини билиб олади. К.Комилов юз минг сўм «устамани» бош ҳисобчи С.Ялғашевга қолдириши лозимлиги-ни З.Ҳакимовга ўқтиради. Ўз меҳнати

Кейин тортмани ёпиб, бош ҳисобчи-га бир миллион сўм пулни ўтказиб бе-риш юзасидан тўлов топшириқнома-си тайёрлашга кўрсатма беради. Аммо унга тўлов топшириқнома-сига имзо чекиш насиб этмайди, араб-бир неча дақиқа ўтган дорал-ош билан қўлга олинади.

Иккинчи жиноий иш ҳам ўқитувчи-лик қасбини «чиқор» қилиб келган шахс томонидан содир этилган. Сун-нат Йўлдошев Жиззах тиббиёт колле-жеда бири неча йиллардан бўён ўқитувчи бўлиб ишлаб келган. Унинг

ДОМЛА ТАЪМАГИР БЎЛСА...

эвазига етиштирилган маҳсулотнинг пулларини бундай шарт бўйича унди-рилишига рози бўла олмаган З.Ҳаки-мов тегишли идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

2003 йил 4 ноябрь куни З.Ҳакимов шартга кўра юз минг сўм пулни бош ҳисобчи С.Ялғашевга қолдиради. Бош ҳисобчи ўз навбатида мудирга кириб, «пуллар олиб келинганинги»ни айта-ди. К.Комилов столи тортмасини очиб пулларни қолдиришни сўрайди. У ер-бу ери буқланиб қолган 1000 сўмлик пулларни бармоғи билан тўғирлайди.

кўп йиллик меҳнати эътиборга оли-ниб 2003-2004 ўқуб йили учун қабул комиссияси масъул қўйиб этиб та-йинланади. Унинг вази-фасига ҳўжа-жатларни қабул қилиш, қабул хайва-ти аъзолари ишнини назорат қилиш, қуниқ ҳисобот тайёрлаш, консултат-сиялар ташкил қилиш ва эълонлар чиқариши қириради.

2003 йил 28 июль кунига қадар 1030 нафар 9-синфни ҳамда 136 нафар 11-синфни тугатган ўқувчи-ларнинг ҳўжатлари қабул қилинади. 2003 йил 20 июль куни унга Қўйработ

MASHG'ULOT

Фаргона вилоят прокуратурасида шахшар ва туман прокура-туралари терговчилари ҳамда иш ўрганувчиларининг ўқув-семинар машғулотли бўлиб ўтди.



МАЛАКАЛИ ТЕРГОВ ТАЛАБЛАРИ

Машғулот иштирокчилари «Иқтисодий жиноятларни тергов қилишда ҳўжжатли тафтиш тайинлаш, зарарни аниқлаш ва ундириш чоралари», «Террорчилик акти билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ҳодиса жойини кўздан кечириш ва дастлабки тезкор тергов ҳаракатларини ташкил қилиш борасида тергов гуруҳи раҳбари ҳамда терговчиларнинг вази-фалари ҳақида»ги маърузаларни тингладилар ва ўзларини қизиқти-рган саволларга жавоб бердилар.

Прокурор криминалист А.Повлонов ўз маърузасида террорчилик акти, хусусан портлатиш жинояти содир этилганда зудлик билан ташкил қилинадиган соғлиқни сақлаш, суд-кимё, суд-биологик экспертизалари, Факултада вази-ятлар вази-рлиги каби идоралар мутахассисларининг зиммасидаги биринчи даражали вази-фаларни шарҳлаб берди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари М.Усмонов иқтисодий жиноятларни тергов қилишда ёш терговчилар йўл қўяётган айрим хато ва камчиликларга эътиборни қаратди. Хусусан, тайёрлов-савдо корхоналаридан бирида маҳсулот етказиб бериб, ҳақини ололмаётган фуқаронинг аризаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш руҳсатисиз тафтиш ўтказилган. Корхона раҳбарининг мувофиқлаштирувчи кенгаши ёзган шикоятига кўра терговчи интизомий жавобгарликка тортилди. Бошқа туман прокуратураси ишнини охирига етказиб, фуқаронинг ҳақи ундириб берилди, корхона раҳбари эса жиноий жавобгарликка тортилди. Лекин, унутмаслик керакки жиноят иши қўзғатилгандан кейингина тафтиш ўтказилиши мумкин. Тафтиш мобайнида корхона иқтисодий алоқада бўлган бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам қарама-қарши текириш ўтказиш зарурати туғилади. Бундай ҳолларда фақат жиноят иши қўзғатил-ган корхона билан алоқадор жиҳатларгина тафтиш қилиниши мумкин. Шерик корхо-нада тўлиқ тафтиш ўтказиш қонунга зиддир.

Маърузачи иқтисодий жиноятлар терговига унинг илдиизига етиб борилмаётгани, фақат ижрочилар жавобгарликка тортилиб, ташкилотчилар фoш этилмай қолаётгани каби хато ва камчиликлар ишнини юриятдаги терговчининг тажрибасизлигига бориб тақалишини таъкидлади. Нақд пул зиммасига чекланган бир вази-ятда банкда, ҳисоб рақамидаги маблағларни нақд пулга айлантириш, аслида нақд пул тўғлаш, бошқача қилиб айтганда пул олди-сотдиси иқтисодиётга катта зарар етказётгани, бундай жиноятларни фoш этиш тажрибаси ҳақида сўз юритди. Масалан, Ўзбекистон туманидаги хусусий тадбиркор саккиз ой мобайнида 3,5 млрд. сўм оборот қилган. Пул олди-сотдиси билан шугулланиб, солиқдан 760 млн. сўм тўловни яширган.

Шунингдек, машғулотда тингловчиларнинг зарар ўрни товар-буом шаклида қолпанданга унинг асл нархи-қийматини аниқлаш, қарама-қарши текириш ўткази-лишини асослаш, етказилган зарар ва зийн тушунчаларининг фарқи, жиноий жазолар-ни либераллаштириш муносабати билан Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексла-рига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, иқтисодий жиноят учун айбланётган, тергов мобайнида зарар ўринини қолпанданга айбланувчиларга озодлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш борасидаги саволларига тўлиқ жавоб берилди.

А.ХАПИЗОВ,
И.ИБРОҲИМОВ,
«НУҚУҚ» мухбири



Ёшлар ўртасида ҳар хил спорт мусобақаларини ўтказиш ҳўқўбозларлик ва жиноятчиликка қарши курашга гоят кўп келади. Негаки, бўш вақтини маз-мунли ўтказган ёшларнинг эътиборини беҳуда юмуш-ларга жалб қилиш қийин.

Суратда: Тўрткўл туман прокурори Фаҳриддин Нуридинов прокуратура ташаббуси билан ўтказилган мусобақа голибларини тақдирламоқда.

ларни қабул қилиш мумкин.

А.Мухторов 2003 йил 28 июль куни С.Йўлдошевга 200 минг сўм пул ва қизининг ҳўжжатларини беради. Масъул котиб пулларни олиб сейф тағига қўяди. Шундан сўнг тезкор ходимлар ғувоҳлар иштирокида таъ-мигир «домла»-ни далилий ашё билан қўлга оладилар.

Таъмигирлар қилмишига яраша жазоландилар. Бироқ бу масала бош-қалар учун оғоҳлик ифодаси бўлиб қолиши керак, деган фикрда ушбу баённомани ўқувчилар эътиборига ҳавола этдик.

Баҳром КАМЛОВ,
Жиззах вилоят прокуратурасининг бўлими бошлиғи

DOLZARB MAVZU

Инсоният ҳаётидаги кўпдан-кўп фожеаларга, офатларга сабабчи бўлган гиёҳвандлик, терроризм ва СПИД балоларининг хуружи янги асрда ҳам ҳамон катта хавф-хатар бўлиб турибди. Бу офатларнинг илдиизига болта уриш учун дунё микёсида юзлаб тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, амалий ишлар учун ҳар йили миллион-миллион АҚШ доллари сарфланмоқда.

Инсоният ана шу йўл билан ўзи кашф этган бало-қазолардан қутулишга интилаётган бир даврда унинг қаршисида яна бир муаммо пайдо бўлмоқда. Бу одам савдоси (траффики) деган дахшатдир.

Бу инсониятга «хамрохлик» қилаётган энг кўҳна «дард»лардан бири, унинг уруғи қўлчилик давридаёқ ниш отган-ку, деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Улар ўзларича ҳақдирлар, лекин ёмон томони, ана шу иллат янги асрда янгича йўналиш касб этмоқда.

Ҳўш бу иллатга қарши қандай курашмоқ керак? Одам савдоси (траффики) жинояти ЎзЖҚда қандай тавсифланмоқда? Жиноятнинг бу турига қарши курашда халқаро ва нодавлат ташкилотларининг роли қандай? Тошкент Давлат юридик институти Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказган «Инсон траффикига қарши кураш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда ана шундай саволларга атрафлича жавоб кидирилди. Йигилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, республикамизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, элчихоналар вакиллари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ва ОАВлари ходимлари иштирок этдилар.

Йигилишни институт ректори М.Рустамбоев очиб, илмий-амалий анжуман ку тартибига қўйилган масала инсоният олдига турган глобал муаммолардан бири эканлигини қатнашчиларга ана бир бор эслатиб ўтди. Сўнг анжуман қатнашчилари дунё тараққиётига хавф солаётган одам савдоси ҳақида ўз фикрларини билдирдилар:

Мавжуда РАЖАБОВА, Жиноят ишлари бўйича Яқкасарой тумани суди раиси, юридик фанлари доктори:

— Тараққиёт илгариланган сари унга ҳамоҳанг тарзда янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Бугун биз фикр юритаётган мавзунинг ҳам ана шундай масалалар қаторига қўшиш мумкин. Инсон савдоси кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. «Траффикининг» маъносини ҳуқуқшунослар яхши билиши мумкин. Лекин қўлчилик бу сўзнинг маъносини яхши билмайди. «Траффики» сўзи италян тилидан олинган бўлиб, савдо, тижорат деган маънони билдиради.

Бугунги кунда ОАВларда одам савдоси билан шуғулланаётган ва уларнинг тузоғига илинган аёллар ҳақида мақолалар чоп этилмоқда. Бизнинг туманимиздан ҳам 3 нафар қизни бир неча йигит алдаш йўли билан «хориждан иш топиб берамиз», деб Дубайга олиб борган. Қизларнинг паспортларини олиб қўйиб, фоҳишалар билан шуғулланишга мажбур қилган. Сўнг полицияга бериб юборамиз деб кўрқитиб 15 кун турли қийноқларга солган. Ана шу жиноятни содир қилганларнинг жинойи иши кўриб чиқилиб, улар қонуний жазосини олдилар. Ҳақли савол туғилади: Нима учун ана шундай номақбул ишлар содир қилинмоқда? Бунинг сабаби айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги бўлса, ихкикчидан маҳалла-қўй ва яқинларнинг лоқайдлигидир. Бу муаммо ҳақида кўплаб фикрлар билдириш мумкин. Бу муаммонинг қурбони кўпроқ МДХ фуқаролари бўлмоқда.


Пьер НУРМАК, ЕХҲТ Ташкент марказининг инсон омили бўйича эксперти:

— Бу анжумани ташкиллаштиргани учун ТДЮИ раҳбариятига миннатдорчилик билдираман. ЕХҲТнинг одам савдоси билан курашиш бўйича ҳаракатлар режаси тўғрисидаги қарори мавжуд. Бизнинг мақсадимиз давлат идоралари билан бир қаторда нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда бу иллатга қарши кура-

шишдир. Бу муаммони бир-икки мамлакатнинг ўзи ҳал қила олмайди. Одам савдоси глобал муаммога айланди. Бунга барчамиз биргаликда курашишимиз керак. Одам савдоси жабрдийдаларини химоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш юзасидан халқаро ҳужжатлар имзоланган. «Одам савдоси тўғрисида»ги декларация 2002 йил мартда қабул қилинган. Бундан ташқари, Бухарестда (2001 йил), Венадаги (2002 йил) учрашуларда қабул қилинган қарорларда ҳам бу жиноятнинг олдини олиш ва жабрдий-

ОДАМ САВДОСИ

ГЛОБАЛ МУАММО



даларни химоя қилиш тўғрисидаги масалалар кўйилган. Хар кун дунёнинг турли бурчақларидан «Инсон озод ва эркин яшати керак» деган сўзларни кўп эшитамиз. Шундай экан, ер шарида яшаётган ҳар бир инсоннинг озод ва эркин яшати учун курашмоғимиз керак.

Гулзоҳра МАТКАРИМОВА, ТДЮИ кафедра мудири, юридик фанлари доктори: — Бугун биз тилга олаётган фожеанинг илдиизи ўрта асрларга бориб тақалади. Бугунги кунда эса

уюшган жинойи гуруҳлар аёл ва болаларни ўзгаларга сотиш эва-нининг турли маблағ топмоқда. Кейинги йилларда кўпгина аёллар ва болалар ана шундай жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Биздаги мавжуд маълумотларга кўра, болаларнинг аъзолари эҳтиёт «қисм» сифатида сотилмоқда. Бу маълумотларнинг кўпчилиги Интерполдан олинган. Одам савдоси қурбонларининг кўпчилиги қишлоқ аёлларидир. Жинойи гуруҳлар бугунги кунда аёлларни алда аввал Қозоғистон ёки Қирғизистонга

олиб ўтиб, у ердан осон йўллар билан Дубайга олиб кетаяпти. Ҳатто баъзилари 13-15 ёшли қизларни 30-35 ёш деб қалбаки ҳужжатлар билан хорижга олиб кетиб, 30-40 минг АҚШ доллари даромад қилмоқда. Алданган кўпгина аёллар эса бир доллар ҳам ололмаб қўлдан-қўлга ўтиб юрибди. Биз ана шундай аёллардан бир қанчасини Интерпол орқали Ватанимизга қайтаришга эришдик. Менинг назаримда, қонунларимизга одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар учун қучайтирилган жазони қўлловчи моддалар киритиш керак. Мен бугун фурсатдан фойдаланиб «Истиқболли авлод» нодавлат ва нотижорат ташкилоти раҳбарлигига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Уларнинг сайё-ҳаракатлари билан алданиб, хорижга кетган кўпгина аёллар ўз уйларига қайтарилди.

А.ШАРАФУТДИНОВ, ИИВ Тергов бош бошқармаси бошлиғи:

— Бугун биз фикр юритаётган долларб мавзу ҳақида олимлар, амалиётчилар, хорижлик мутахассислар ўз қарашларини билдирди. Сўровлар ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, «товар»га айланган фуқароларнинг асосий қисми ҳуқуқий қарашлардан саводсиз фуқаролардир. Уларнинг кўпчилиги ўз шароитини яхшилаш мақсадида алдовларга учиб, фирибгарларнинг чангалига тушиб қолмоқда. Одам савдоси билан шуғулланувчи фаолиятига чек қўйиш учун барчамиз бирдай курашмоғимиз керак.

Бунинг учун маҳаллаларда, олий ўқув юртларида очик мулоқотлар уюштириш керак. Одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар ҳеч қандай пасткашликдан қайтмади.

Яқинда Самарқандда Шарипов деган бир кимса бир неча қизларни «синглим» деб, уларнинг ҳужжатларини қалбақлаштириб хорижга олиб кетаётганда қўлга олинди. Инсон савдосига қарши кураш борасида ИИВ раҳбарияти бир қанча хорижий мамлакатларда бўлиб, маҳаллий полиция ташкилотлари билан учрашиб, бу муаммони ҳал қилиш йўлини келишиб олдилар. Кўриниб турибдики, муаммо жуда долзарб. Бу масалани ҳал қилиш учун барчамиз биргаликда курашишимиз керак. Агар шундай қилинмаса, одам савдоси давом этаверади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «НУҚУ» муҳбири

АЛДАНГАН АЁЛЛАР ҚИСМАТИ

Жиззахлик Лилия Аҳмедова қўл урган мудҳиш жиноят суд жараёнида яна бир бор муҳокама этилди. Л.Аҳмедова турмуш ўртоғи Бахтиёр Аҳмедов ҳамда таниши Акрам Ҳайитов ва унинг дўсти Жаҳон, Замира Мусаева ва Машраб исми кимсалар билан биргаликда бир неча йиллар давомида С.Корпусенкова, М.Солиева, О. Арсенгьева, Н. Бектемирова, Н. Нафиковаларни Бирлашган Араб Амириликда ишга жойлаштириш баҳонаси билан мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетишган. Ҳужжатларини ўз ихтиёри билан топширган қизларни Лилиянинг ҳамтовоқлари кўрқитиб, зўрлаб фоҳишалар билан шуғулланишга мажбур этилган. М.Солиева хорижга ишга кетиш вақтида эндигина 28 ёшга тўлган эди. Амалдаги қонунчиликка асосан 30 ёшга тўлмаган аёлларнинг хорижга ишга кетишлари мумкин эмас эди. Шу сабабли Лилия унинг паспортини янгилаб, ёшини ўзгартиради ва ишга жойлаштириш баҳонасида, уни БААга жўнатади. Муҳаббат 2000 йил 21 августда номаълум сабабларга кўра ҳалок бўлган. 2000 йилнинг 13 сентябрида эса унинг оиласига телеграмма келиб, унда улар БААдан юборилган юқни Тошкентдан олиб кетишлари мумкинлиги айтилган эди. Бу юқ М.Солиеванинг тобути эканлигини ҳали яқинлари билишмас эди.

Трафик қурбонига айланган Н.Нафикова ҳам 2002 йили 28 февралда Корёяга ишга кетиш мақсадида ҳужжатларини тўғирлаган. Қизининг чет элга кетишига қарши бўлган онаси Т.Широкова зарур маблағни Лилияга бераётганлиги, фарзанди эса Корёядаги Аҳмедовлар дўконидида сотувчи бўлиб ишлашини билгангина рози бўлган. Надежда билан Н.Бектемирова ҳам Корёяга ишга отланган. Аммо соддадил қизлар ўтирган самолёт Корёяга эмас, балки БААга қараб йўл олади. Илоҳжиз, қонунлардан беҳабар, ҳужжатсиз қизлар ўзларидан олдин сотилган аёлларнинг қисматига шерик бўладилар. Лилия эса кўнгли нотинч онаизорни бир икки мартаба «қизингиз бериб юборди» деб аввалига 50, сўнг 100, 150 АҚШ долларини бериб, тинчлантирган. Сўнгги мартаба Т.Широкова қизи билан телефон орқали гаплашганда, у ўз онасига 200 АҚШ долларини бериб юборганлигини айтиди. Т.Широкова Лилиядан пулни сўраганда, у пул самарқанд-

лик Ақром исмли одамда эканлигини, бу масалани ўзи ҳал этишини айтади. Орадан бироз вақт ўтгач, Надежда онасига Ақром телефон қилиб «Сиз Надянинг онасимисиз» деб сўрайди. «Ха» жавобини олгач, «Қизингиз ўлди» деб гўшақни қўяди. Зўрға ўзини қўлга олган она Лилияни кидиришга тушади ва уни топиб, қизини қайтаришини сўрайди. Бунга жавобан Лилия ва Б.Аҳмедовлар Т.Широкованинг уйига видеокассета олиб келишади. Кассетада унинг қизи ва Н.Бектемироваларнинг тасвири бўлиб, улар ўз яқинларига салом йўллашгаётган лавҳалар бор эди. 16 октябрь 2002 йили номаълум кимсалар Т.Широкованинг уйига кўнгирак қилиб, унинг қизи Корёяда эмас, БААда фоҳишалар билан шуғулланаётганлиги ва яқинда меҳмонхона балқонидан йиқилиб тушиб, ўлганлигини айтишади. Шундан сўнг ҳам Лилия ва Б.Аҳмедовлар онаизорни алдаб, буларнинг барчаси уйдирма эканлигини айтишади. Аммо Т.Широкова уларга ишонмай, Жиззах шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат этади. Бундан хабар топан Б.Аҳмедовнинг онаси Г.Аҳмедова ва Н.Широковага 995 АҚШ долларини олти беради ва аризасини қайтариб олишини сўрайди. Аммо, ҳар қандай микдордаги пул ҳам Н.Широковага ўз фарзандини қайтариб бера олмасди. 2002 йил 2 декабрь кунини Т.Широкова қизининг жасади солинган тобутини қабул қилиб олади...

Қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аммо Республика Бош прокуратураси, Жиззах вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари, Тошкентдаги «Истиқболли авлод» ёшлар маърифат маркази ва унинг Жиззахдаги бўлими ходимларининг сайё-ҳаракатлари туфайли жиноятчилар суднинг қора курсисига ўтиришди. 2003 йилнинг 13 июнида Л.Аҳмедова ЖКнинг бир қатор моддаларига биноан айбдор деб топилди, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Унинг турмуш ўртоғи Б.Аҳмедов ҳам қилмишига яраша ўз жазосини олди.

Қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аммо Республика Бош прокуратураси, Жиззах вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари, Тошкентдаги «Истиқболли авлод» ёшлар маърифат маркази ва унинг Жиззахдаги бўлими ходимларининг сайё-ҳаракатлари туфайли жиноятчилар суднинг қора курсисига ўтиришди. 2003 йилнинг 13 июнида Л.Аҳмедова ЖКнинг бир қатор моддаларига биноан айбдор деб топилди, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Унинг турмуш ўртоғи Б.Аҳмедов ҳам қилмишига яраша ўз жазосини олди.

Раҳматилла МАМАРАСУЛОВ, Жиззах вилоят прокуратурининг ёрдамчиси. Наргис ҚИСИМОВА, журналист

✓ NUQTAI NAZAR

Кўшимизнинг томорқасига сув бизниқидан ўтади. Кўшимиз томорқа сугорса, хавотиримиз ортади. Сабаби — унинг ери бизниқидан бироз баландроқ. То унинг томорқаси сув ичгунча, бизниқи кўллаб кетади. Охирги сафар ёмон бўлди. Кўшимиз ариқни очиб, охирида беркитиб келишни унутган чоғи, эрталаб не кўз билан қарайликки, бутун томорқамиз шолопоядек сувга лиммо-лим тўлган. Уч-тўрт кун олдин орқанимиз помидор, болгар қалампери кўчатлари сув ўтларидек чайқалиб турарди. Ўзимни тутиб туролмадим: — Ахир қачонгача давом этади?

Шашт билан кўшимизниқига чиқиб кетаётган эдим, дадам тўхтатди:

— Кўй, чиқма. Девор дармиён кўшни бўлсақ, орага совуқчилик тушмасин. Қолаверса, айб ўзимизда. Икки мошин тупроқ тўксақ ҳеч нарса бўлмасди. Сув бир-икки кунда тортиб кетади. Кўчатларнинг янгисини экамиз.

— Нега энди айб бизда бўларкан? Томорқасига бошқа жойдан ариқ киритсин кўшнингиз. — Шахарда яшаб, андишани унутиб қўйибсан. Битта ариқни деб кўздек кўшничиликка путур етказмоқчимисан? Одамлар, нима дейди?

Дадамнинг авзойини кўриб, бошқа гапирмадим. Лекин «шахарда яшаб, андишани унутиб қўйибсан» деган гапи миямга ўрнашиб қолди. Наҳотки, шундай бўлса? Рост, пойтахтда ишлаётганимга олти йилча бўлиб қолди. Аммо андишасизлик кўчасига кирмадим. Гоҳида дўкундаги харидим учун ҳақ олган сотувчи арзимас қайтими бермаганида, андишага бориб баъзи шаҳарликларга ўхшаб тийлигача қайтаришни талаб қилмайман. Ижара уйнинг эгаси ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ тез-тез ижара ҳақини ошириб турганида ҳам андишага бориб талашиб-тортишмайман. Кўшним кунда-кунора телефондан фойдаланиб, «межгород»нинг пулини отинг калласидек қилиб кетади-ю, мен андишага бориб ўзим тўлаб кела қоламан.

Унда дадам нега бундай деди? Наҳотки, ўзгарган бўлсам? Одамнинг ўзига билинмаса керак-да.

Шуларни ўйлай-ўйлай охири кўнглимга бир савол ўрлади. Андиша нима ўзи? Тоштарозиси қанақа? Моҳияти нимада?

Маҳаллалардан бирида Улугбек исмли ўсимир истиқомат қилади. Ота-онаси оддий, камтар кишилар. Улугбекдан олдин икки қиз чиқариб, бир ўғилни уйлантиришди. Катта ўғил ҳарбий хизматдан сўнг бир йилча ишсиз юрди. Кейин тумандаги машина-трактор паркига слесар бўлиб ишга жойлашди. Меҳнаткаш йигит. Аммо маош кўруғу барибир ўзи, хотини ва икки фарзандидан ортиш у ёқда турсин, рўзгорнинг бир учини кўтаришга ҳам етмайди. Бунинг устига шуни ҳам уч-тўрт ойда бир беришди. Ота қайсидир идорада ҳисобчи. Маошдан ташқари икки-учта фермернинг молиявий ҳисоботида юрилади. Рўзгорга аксарият касалманд онанинг ногиронлик пенсияси яраб туради. Хуллас, бировдан

олдин, бировдан кейин деганларидек, оила бир амаллаб кун кўради. Лекин ҳеч қачон бировга нолишмайди. Ориятли, сабр-қаноатли бу одамларни маҳалла ахли бирдек хурмат қилади.

Оилада кенжа ҳисобланмиш Улугбек эса саккизини битирди-ю ўқимайман деб туриб олди. Отаси зўрлаб бўлса-да, туман марказидаги билим юртинг хайдовчилик курсига киритиб қўйди. Аммо ўқиш жонивор ўлда-жўлда. Истаса боради, истамаса йўқ.



АНДИША

Бориб-бориб оиланинг эркаси уч-тўртта ўзига ўхшаган така-салтанга кўшилиб, ҳали дискотекада, ҳали видеобарда кунни кеч қиладиган бўлди. Энг ёмони — Улугбек ўғирликка қўл ура бошлади. Илк марта уни кўшниси Холмат ота тутиб олди. Қизиғи, Холмат отанинг илгари ҳам икки ўрдаги гоийб бўлган-ди. Ўғри маълум бўлгач, жабрдийда отахон бошлаб таъзирини берди. Лекин кўшнисига чиқиб бу ҳақда айтмади. Уларнинг шароитини яхши билган отахон иккита ўрдакни таъма қилгандек бўламан деган андишага борди.

Сувдан куруқ чиққан йигитча эса хунарини ташламади. Бошқа хонадонларга ҳам тушишни бошлади. Бора-бора унинг бу қилмишидан барча хабардор бўлди. Аммо сабрнинг ҳам чеки бўларкан, кимдир Улугбекни оғилдан бузоғини етақлаб кетаётганида тутиб олиб, тўғри уйларига олиб келди.

— Мелисага берсам бўларди. Аммо бир маҳалланинг одаимиз. Сизларга ҳам жабр бўларди. Бунинг олдини олмасан бўларди.

Шундай деди-ю кетди. Ўша кунни ота ўғлини тинкаси қуригунча дўппослади. Онанинг бир дарди ўн бўлди. Аммо энди кеч бўлганди...

Яқинда эшитиб қолдим. Улугбек игнага «ўтириб» сўнгги марта ўзига кўпроқ уқол қилиб юборган экан, юраги кўтаролмабди. Шундоқ ҳам тўшаққа михлиниб ётган касалманд онанинг эса бу хабарни эшитиб-боқ жони узилибди...

Эрталаб ишга кетаётсам, пастки қаватда яшовчи бир қария тўхтатди:

— Журналистсан-а? — деди

тўсатдан.

— Ҳа, нима эди? — сўрадим ажабланиб.

— Унда эшит, ё замон ўзгарди, ё одамлар бошқача бўлиб кетди. Хув анави биринчи судга берганини ўқиган эдим. У энди аёл, ўз номи билан ожиза. Аммо...

Бир кайфиятда қариядан узоқлашдим.

Энди бор, боравер. Юрагим ўйнаб кетаяпти. Кетишнйам, қолишнйам билмай, турган жойимда қотиб қолдим. Анча олдин газетада бир аёлнинг ўз ота-онасини судга берганини ўқиган эдим. У энди аёл, ўз номи билан ожиза. Аммо...

Бир кайфиятда қариядан узоқлашдим.

— Тўхта, ишинг қолиб кетмайди. Қари бир кампирини нега судга қақирашди, биласанми? Билмасан, билиб қўй. Шу кампирни ўйга судга берганими. Бу кўрнамка бир йил олдин аллақандай фоҳишага илақилиш, икки боласи билан хотинини ташлаб кетганди. Шу чоққача қорасини кўрсатгани йўқ. Отаси ўлган кўннинг эртасига йиллаб-сиқтаб келиб қолди. Лекин кампир уйга киритмади. Қайтиб кетди. Сенга айтсам, уй чолнинг номида эди. Кампир шу уйни келинга расмийлаштирмоқчи. Номард ўғил бундан хабар топиб бир ҳафта олдин келиб жанжал қилиб кетди. Нима эмиш, у ёлғиз меросхўр эмиш. Кампир бир амаллаб қувиб солибди.

Нобакор ўғил эса судга бераман, барибир уй менга қолади дея чиқиб кетибди.

Ҳой, сен менга айт, қайси замонда яшайамиз ўзи? Ўғил ўз туққан онасини судга бериб ўтирса-а! Уят, орномус, андиша деган нарса борми ўзи бу дунёда? Отасининг гўрига бир сиғим тупроқ ташлашга ярамаган аблаҳ қайси юз билан мерос талашади, тушунмайман. Бу кундан ўлгани яқшимасми? Сен шуни ёз. Савобга қоласан.

Чунки у қайси биримизнинг кўшимиз, бошқа бировнинг маҳалладоши. Андишага борамиз-да.

Бир танишимизнинг беш яшар ўғлини йўловчи машина туртиб юборганини эшитиб ҳол сўрагани бордим. Қошининг тепаси ёрилган, у ёқ-бу ёғи сал-пал тилинганини ҳисобга олмаганда боланинг аҳволи анча яхши экан.

— Худо бир асрабди. Ҳали ёш, кўрмагандай бўлиб кетади, — дедим кўнглини кўтариш учун. — Нимасини айтасиз? Ўзи ҳеч катта йўлга чиқмасди. Машина овозини эшитган заҳоти ҳовлига қочиб кирарди. Энди фалокат-да. Шофёр ҳам ўзини йўқотиб қўйган. Шифокор милицияга хабар қилишми керак деганди, қўймадим. Шофёрга ҳам жабр бўлмасин дедим. Уям атайлаб ураман деб йўлга чиқмаган-ку? Ўғлим, худого шукр, сопла-соғ.

— Кечирасизу, агар бундан ҳам оғирроқ бўлганда нима қилардингиз? Яна фалокатга йўйиб қўя қолардингизми? — Э, нафасингизни ел олсин. Шофёр ўзимизнинг маҳалладан. Мелисабозлик қилсам, одамлар нима дейди?

Орадан анча ўтиб танишимнинг ўғлини туртиб юборган хайдовчининг машинасига ўтириб қолдим. Утиришим билан ароқнинг ҳиди димоғимга урилди. Хайдовчининг эса туман марказидаги кўчалар қисқа бўлишига қарамай машинасини керагидан тез ҳайдаши мени хайрон қолдирди. Шунда юқоридagi воқеа ёдимга тушди. Наҳотки, шундан кейин ҳам хулоса қилмаган бўлса. Хайдовчи эса шаштидан тушмасди. Охири чидай олмадим.

— Огайни, яқинда бир болани туртиб юборганингизни эшитувдим. Сал секинроқ ҳайдасангиз бўлмайдингиз? Бунинг устига эрталабдан ичи олиб олдиз?

— Э, кечирасиз, бугун ичганим йўқ. Кеча «ден рождения»да кўпроқ отиб қўйибмиз. Сиз ҳам эшитибсиз-да. Айб менда эмасди ўшанда. Болани қаровсиз қолдиришди-да, кейин хайдовчи айбдор. Ёш болага катта кўчада нима бор? Ҳалиям ўз вақтида тормозни босиб қолдим. Бўлмаса...

Негадир ичмидан бир нарса тошиб келаётгандек ҳис этдим ўзимни. Бу йигит билан ортқ гаплагшим келмади. Манзилга етмай, тўхтатишни сўрадим. Шу ҳайдаши бўлса, яна қайси бир йўловчига жабр қилиши аниқ. Агар танишим андиша қилмай, икки ишларга хабар қилганимда бунақа «ўпкаси қўлтғида» хайдовчининг гувоҳномасидан маорум қилишган бўлармиди...

Ажойиб табиатли халқимиз бор. Чиройли урф-одатларимиз бор. Ва ниҳоят хайрон қоларли даражада андишали одамларимиз. Бизда бу одат миллийлик даражасидаги оддий ҳолат каби қабул қилинади. Фақат яхшини яхши, ёмонни ёмон дейишга ҳам ўрганишимиз керак чоғи.

Кунни кеча уйга қўнғироқ қилганим. Уйдагиларнинг айтишича, кўшимизнинг тўғри томорқамизда икки машина ўлроқ тўкиб кетибди...

Жаҳонғир ШАРОФБОЕВ, «НУҚУҚ» муҳбири

▼ 2004 YIL — MEHR VA MURUVVAT YILI

... Киш чилласи охирлаб қолган. Хаво ҳарорати баҳорни эслатади. «Тошкент-Карши» йўналиши бўйича кетаётган «FORD» машинаси манзил томон ошиқади. Аллақачон баҳорий дилбос кийган кир-адирлар кишига ҳуш кайфият бағишласа, эгнимиздаги кишки кийим-бошлар, ўриндиклар остига тирбанд ҳар хил катта-кичикликдаги «юк»лар эса дилларга бироз ғашлик солади. Чор-атрофдан нимадир сикувга олаётгандек. Турмуш таъшишлари билан яшаётган турфа нигоҳларда ҳорғинлик. Орқа ўриндикларда ёнма-ён жойлашган йўловчилар анча дилқаш, ҳушқалом, сўхбатихон аёллар экан.

ЯХШИЛАРНИНГ ФАЛСАФАСИ

— Дам олиш уйдан қайтаёписизларми? — сўрайман улардан.

— Онамни бетоб деб эшитдим. Қашқадарёдан Букага келин бўлиб тушганмиз. Иккаламиз овсин, — таништириди тиззасига 12-13 ёшлардаги болани ўтказиб олган аёллардан бири.

— Дўстирлар туғурхонада йўрғақлайтиб, қўлидан тушириб юборган. Устига-устак текширувдан ўтказмай эмлаб... — руҳий хаста ўғлининг беихтиёр дукурлатаётган оёқларини силаб-сыйпалаб маҳкам жуфтлади хижолат тортанча аёл. — Балогат ёшида ўзгарди дейишяпти. Шунисига ҳам шуқр, — сўзини яқунади шифокорларнинг илик муомаласидан мамнун бўлган аёл.

— Ха, буни ҳаёт дейдилар. Инсон умри кураш ва синовлардан иборат, — ўзича далда берди зиёлинома йўловчи.

Ҳамроҳимизнинг бу гапларини эшитиб Чирокчи туман прокурори Б.Анваровнинг ажойиб фалсафаси ёдимга тушди. Бобомурод ака бир учрашувимизда: «Умр қисқа бўлсада, бебаҳо саодатдир. Саодат шулки, дунёни ўз-ўзини англаш, табиатга мос касб-кор, инсоний эътиқод, юсак орзу-ниятлар, яхши амаллар билан одамларга меҳру саховат, эл-юртга фаровонлик, бахт-зиё улашиш ва шу йўсинда ўзингга ҳам нур бўлиш демакдир. Мукаммал бахтнинг та-

рифиди жудда оддий: ҳаётда ўз ўрнини топиш, касб-коридан қониқиш ҳосил қилиш, эл-юртнинг хизмати ва яхшиларнинг эъзозини назарида бўлиш кишига ҳамиша куч-қудрат бағишлайди. Бу ҳаётий эҳтиёжлар ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Ота-онага ҳурмат, ака-ука, опа-сингиллардан хабардорлик, дўст-биродарлар дийдори... Буларнинг ҳаммаси инсон умрига олам-олам маъно-мазмун, ибрат, аниқроғи ҳикмат бағишлайди.

Ҳозирги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган меҳр-муруват тушунчалари эса эътиқодни шакллантиради. Муруват ва саховат жамият аъзоларини бирлаштиради. Бу фазилатлар ҳеч қаерда ўқитиб-ўргатилмайди. Руҳиятимиздаги бундай туйғулар одамзод билан бирга дунёга келиши, туғилиши, қонда ва жонда бўлмоғи керак. Узаро ҳурмат, аҳиллик бор жойда эса ҳамиша юксалиш, тараққиёт мукаррар», — деган эди.

Яқинда танишларимдан бирининг туғилган кунинда қариндошлар, қўни-қўшни, яқин дўст-биродарлар тўпландик. Тўкин дастурхон атро-

фида хонадон соҳиби ва бекасига, ўғил-қизлар шаънига самимий истаклар изҳор қилинди. Катталар дунёнинг у бурчагидан кириб бу бурчагидан чиқишди. Болажонлар ҳам ўзларича зиёфат уюштиришган: қизалоқлар бир-бирларига ўзларининг жимжимадор, серхашам қўйлақларини кўз-кўз қилишар, ўғлонлар дунёдаги энг зўр футбол жамоаси, унинг ўйинчилари ёки энг зўр русумли машина тўғрисида баҳслашишарди. 2-3 ёшли кичиктой мезбоннинг қувончи ичига сиймайди. Катта-кичик меҳмонларнинг ташрифидан боши осмонда, ўзини кўярга жой тоғолмай, хоналар ўртасида зув-зув қатнайди. Дастурхондаги шириликлардан митти ҳовучларини тўлдириб олганча меҳмонларга улашиб, алланамалар деб ғўжурлаганча илтифот кўрсатади. Демак, шу ғўданинг митти идрокида ҳам ҳаётбахш буюқ қудрат, меҳр-муҳаббат, муруват ва саховат шаклланаёпти.

Француз ёзувчиси Р.Роддан «эзулик илм эмас, фаолиятдир» деган эди. Дарҳақиқат, адиб айтганидек, эзулик яъни меҳр-муруват, саховат кундалик фаолиятта айланган тақдирдагина ҳаётимиз нурафшон, жамиятимиз бенуқсон бўлади.

Гулчехра ЖўРАЕВА,
журналист

▼ TASHABBUS

«ЁШ КИНОЛОГЛАР КЛУБИ»



Хива туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўсмирлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олувчи асосий омиллардан бири уларнинг бандлигини таъминлашдир. Бу борада туман халқ таълими бўлими томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилиши натижасида бугунги кунда ўсмирларнинг ҳар хил тўғаракларга жалб қилиниши 65 фоизни ташкил этган.

Туман ҳудудида ветеринария хизмати ҳисоби бўйича 435 та ит рўйхатга олинган. Уларни тегишли қондаларга риоя қилинмай боқилиши кутуриш касаллиги ҳамда бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Масаланинг ана шу жиҳатлари иноватга олиниб, халқ таълими бўлими қошида вояга етмаганларнинг бандлигини таъминлаш, итларни қоида бўйича боқиш, тарбиялаш, ўсмирларда табиатга, жониворларга нисбатан меҳр ва муҳаббат туйғуларини шакллантириш мақсадида «Ёш кинологлар клуби» ташкил этилди.


М. ИСКАНДАРОВ,
Хива туман прокурори
вазифасини бажарувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ТУРОНБАНК» ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва ўз акциядорларини янгилашиш ва бунёдкорлик байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Сизларга сиҳат-саломатлик, Ватанимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизга самара, хонадонингизга қувонч, шодлик ҳамда Меҳр ва муруват йилида ҳар бир кунингиз Наврўз янглиғ азиз ва шодон бўлишини тилайди.

SUD OCHERKI



дек бир шиша ароқ олинди. Шишадаги ароқ тугаганда ҳам-қишлоқларнинг кайфиятлари анча кўтарилганди. Официанткага яна бир шиша «шайтоннинг суви»дан буюришди.
— Хўш, Қахрамонбек қандай қилиб

айтди. Ларисага турли ваъдалар бериб, унинг қўйини пул ёнғоққа тўлдирди. «Келинпошша» ҳам Қахрамоннинг гапларига ишониб Хонқага боришга рози бўлади.
Орадан икки-уч кун ўтгач, Қахрамон-музлатгичга икки шиша ароқ олиб келиб қўйди. Ароқни кўрса Лариса ўзини тута олмасди. Бунни у яхши биларди.

КЕЛИН ХОНҚАГА БОРА ОЛМАДИ

2002 йил 1 апрель куни Бахтиёр билан Қахрамон қабиҳ ниятларини амалга оширишга киришди. Уша куни

Ёрдам берсангиз-чи, — қичирди Қахрамон. Кўп ўтмай Бахтиёр қўлига илгичан тош билан Ларисанинг бошига туширди. Аёл йиқилди. Сўнг Бахтиёрнинг ўзи унинг қўлидаги узукни ечиб олди.
— Энди сен оғзини очиб тур. Мен тилла тишини суғуриб олай, — деди Бахтиёр. Узоқ уринишлардан сўнг улар Ларисанинг тиш қопламаларини синдириб олишди. Сўнгра жиноят изини яшириш мақсадида Ларисани каналга ташлаб юбордилар. Лариса ўша пайтда нафас олаётганди. Орадан 3-4 кун ўтгач, Лариса билан Севаранинг жасади «Кулобод» каналидан топилди. Урганч

ҚОРА ЧОДРАЛИ АЁЛ

Дунё яралибдики, маърифат билан жаҳолат курашиб келаяпти. Инсон зоти яхшиликка интилган сари жаҳолат ҳам, қабоҳат ҳам ҳаётда унга соядек эргашиб бораверади. Бу ҳаёт қонуни. Айрим мудҳиш воқеаларни эшитганимда наҳотки, аллоҳ онг берган, ақл ато қилган инсон зоти йиртқич ҳайвондан ҳам ваҳший бўлса дея ўйга толасан. Охирати қуйиб кетган одамлар ҳақида ўйлаверасан, ўйлаверасан, бироқ ўйингнинг охирига етмайсан.

соат 16 ларда улар Ларисанинг уйига келишганда у одатдагидай музлатгичдаги ароқнинг биттасини «тинчтиби» маст бўлиб қолганди. Қизи Севара эса қўшни хонада ухлаб ётарди.

— Лариса ўзингни қўлга ол, — деди Қахрамон. — Сен билан келишгандик-ку, бугун Хонқага, ота-онамнинг уйига олиб бораман. Тезроқ кийин. Тўй қиламиз у ерда. Лариса эса кайфи зўрлқидан кийиниш тугул оёққа ҳам тура олмасди.

— Ларисани ўзинг кийинтир, — буюрди Бахтиёр. — Ўзининг кийинишини кутсак яна бир кун керак бўлади. Пастда «Тико» ҳам кўтиб қолди.

Қахрамон амал-тақал қилиб Ларисани кийинтириб уларни кутиб турган «Тико»га чиқаришди. Сўнг уйга қайтиб кириб қимматбаҳо нарсаларни чўнтагига урди. Кейин кўшни хонада ухлаётган Севарани ҳам кўтариб олиб машинанинг орқа ўриндиғига ётқизишди. Уриндиқнинг орқа томонида Бахтиёр ўтирарди.

Қахрамон «Тико»нинг эгасига буюрди: — Машинани Хонқага ҳайданг!

«Тико» Урганчдан чиқиб Хонқа томонга бурилганда кўш ботиб, қош қорайиб бораётганди. Кўп ўтмай «Кулобод» каналига етиб келишди.

— Машинани тўхтатинг,— буюрди Қахрамон. — Нафас олиш қийин бўлиб кетди. Катта гужум тагида бироз дам олайлик. «Тико» каналдан унча узоқ бўлмаган катта йўл ёқасидаги гужум ёнида тўхтади.

— Ешулли, кун ҳам кеч бўлиб қолди. Сиз орқага қайтваринг. Биз бироз дам олиб бошқа тиброн-бир машинада Хонқага етиб оларимиз, — деб Қахрамон хайдовчига келишилган пулни берди.

Сўнг Лариса билан унинг қизини машинадан тушириб олди. Унга Бахтиёр қумлак-лашди. Машина эгасига Қахрамоннинг таклифи мойдек ёкди. Кўп ўтмай «Тико» келган йўлга қайтди.

— Энди ишни бошласак бўлади. Қоронғи ҳам тушиб қолди, — деди Бахтиёр. Шундан сўнг у ҳамон ширин уйкуда ётган 7 ёшли Севарани кўтариб канал томон кетди. Унинг нияти Севарани ўлдириш эди. Канал ёқасига келгач бегуноҳ қизнинг юзини сувга аввал қўли билан сўнг эса оёғи билан босиб турди.

Қиз шўрлик жоҳолатда типирчилай бошлади. У Севарани ана шу ҳолатда 5-10 дақиқача елкасидан босиб турди. Қиз тинчиб қолгач, қўйиб юборди. Бироздан сўнг шиддат билан оқаётган канал қизнинг жасадини оқизиб кетди. Энг қабиҳ ишни бажарган Бахтиёр Қахрамоннинг ёнига қайтиб келди. Бу пайт Қахрамон зўр бериб Ларисанинг қўлидаги тилла узукни олиш учун унинг бармоқларига ёпишаётган эди. Лариса маст бўлса-да, унга қаршилиқ кўрсатарди.

— Нега томошабин бўлиб турибсиз.

шаҳар ИИБ ходимлари оёққа турди. Прокуратура жиноят иши кўзгади. Тергов ва суриштирув ишлари бошланди. Лекин Ларисанинг қўшилари, таниш-билишлари кейинги пайтларда Ларисанинг сурунқили равишда спиртли ичимлик ичиб юришини, унинг уйига ҳар куни қўллаб бегона эркаклар келиб туришини айтишди.

РУҲЛАР БЕЗОВТА

...Қахрамон жиноят содир қилган кундан буён мижджа қоқмасди. Кўзини юмиши биланқоқ кўз олдига марҳумлар кела бошларди. Улар Қахрамоннинг дивани ёнига қоп-қора кийимда келиб ўтирарди. Қотилнинг юрагини ваҳима тарк этмасди.

Қахрамон Бахтиёр билан учрашиб ухлай олмаётгани, марҳумларнинг руҳи тинчлик бераётгани ҳақида гапириб, энди нима қилиш кераклигини сўради.

— Уларни ўйламаслик керак. Фақат сен билан мен одам ўлдирибмизми? Баъзилар яхши яшаш учун йилгига уч-тўртта одамни «тинчитади». Сен бўлсанг...

— Нима қил, дейсиз?
— Марҳумларни унутиш учун ароқни кўпроқ ичиш керак. «Курғи»дан толиб чекиш керак. Еки шприц орқали биландан «гера» жўнатиш керак. Ана шунда марҳумнинг руҳлари безовта қилмайди.

Қахрамон Бахтиёр айтгандек қилди. Лекин қора чодрали аёл тунлари келиб диванининг тепасига келиб тураверди. У қора чодрали аёлдан қутулиш учун «героин»дан кўпроқ урмоқчи бўлди. Шанба куни бозордаги эски танишидан «дори»ни олиб уйига жўнамоқчи эдики, шу пайт «Қора дори» операциясини ўтказётган ИИБ гуруҳига дуч келди. Айби боринг оёғи қалтирайдди, деганларидай милиция ходимларини кўрган

Қахрамон ўзини бошқача ҳис қилди. Изқуварлар ўша ернинг ўзидаёқ холисларни қачириб Қахрамоннинг чўнтагини кўздан кечирди. Унинг чўнтагидан 0,19 грамм героин моддаси топилди. Иш юзасидан тергов бошланганда Қахрамон йиғлаб юборди. Ўз ихтиёри билан Лариса ва унинг қизи Севарани ваҳишона ўлдириганини гапириб, қотиллик содир қилинган жойни кўрсатиб берди. Сўнг марҳумларнинг арвоҳи тунда тинч қўймаётганини, қилмишдан пушаймонлигини, бу ишни ҳамқишлоғи Бахтиёр билан биргаликда амалга оширганини баён қилди.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

Б.Ражабов билан Қ.Шерметовларнинг жиноят иши Хоразм вилояти судининг очик суд мажлисида кўриб чиқилди. Юзлаб кишилар одам қиёфасидан бўрилиларнинг ҳақиқий башарасини кўришди. Уларнинг қандай қилиб ваҳишлик қўчасига кирганини ўз оғизларидан эшитдилар. Одил суд ваҳишларга ЖКнинг тегишли моддаларига асосан жазо тайинлади.

Одил УМУРЗОҚОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бўлим катта прокурори.
М. ЗАЙНИДДИНОВ,
«НУҚУҚ» муҳбири

АСТРАХАНГА КЕТАМИЗ, УКА!

...Урганч тун қўйинида. Сершовқин шаҳар кўчаларида автомашиналарнинг қатнови сийрақлашган. Кўп қаватли уйларнинг чироқлари эса бирин-кетин ўчмоқда. Лекин шаҳар марказидаги «Баҳор» қаҳвахонасида отамлашаётган икки улфатнинг суҳбати авжида.

— Ешуллилар, соат 12 дан ошаяпти. Қаҳвахонани ёпмоқчимиз. Эрталаб яна ишга келишимиз керак, — деди официантка хушмуомалалик билан йигитларга.

— Оппоқ қиз, суҳбатнинг белига тепманг. Утирибмизда гуриг қилиб ака-ука. Қолаверса хизмат ҳақини икки бара-вар қилиб оларсиз, — деди Қахрамон официанткага кулиб. Сўнг Бахтиёр гапга қўшилди. — Тозасидан бир шиша келтиринг. Газаги билан.

Официантка улар ўтирган столга яна бир шиша ароқ ва ликопчада газак келтириб қўйди. Сўнг уларга:

— Йигитлар ҳисоб-китоб қилсак, кассага пул топширишим керак, — деди. Уфатлар ҳисоб-китоб қилган пайтда қаҳвахонада қоровулдан бошқа ҳеч ким қолмаганди. Бу икки улфат хонқалик Бахтиёр Режабов билан Қахрамон Шерматов эди. Икки ўртоқ қишлоқда ишлаш ёқмай шаҳарда дайдиб юрадиган бетайин йигитлар сирасига кирарди. Бахтиёр уйланган. Икки нафар фарзанди бор. Илгари ўғирлик қилгани учун «ўтириб-чиққан. Қахрамон эса бўйдоқ. Узича иш қидириб шаҳарга келиб қолган.

— Яқинда қўшнимиз Баҳодир билан телефонда гаплашдим. У ҳозир Россиянинг Астрахан вилоятида ишлаяпти. Ойига 2 минг «кўки»дан топаяпти. Бу ерда хор бўлиб юрганча ўша ёқларга бориб, тўрт-беш сўм ишлаб келишимиз керак, — деб қолди Бахтиёр.

— Менинг ҳам ниятим шу. Лекин у ерга бориш учун «кўки»дан керак. Бу зормандани топишинг ўзи бўлмайди.

— Уни топса бўлади, — деди Бахтиёр ишонч билан. — Бунинг учун эса фақат каллани ишлатиш керак. Ақс ҳолда... Икки ҳамқишлоқ ширин хаёллар билан сўнги ишларини ҳам бўшатишди. Сўнг шу қаҳвахонада эртага кечкурун соат 22.00 да учрашишга келишиб хайрлашдилар.

Уларнинг иккалеси ҳам Урганчда ўзларига ўхшаш бетайин виноҳур аёлларниқанда ётиб юрарди. Топганини улар билан баҳам кўрарди.

ЛАРИСА, СЕНИ СЕВАМАН

Икки улфат келишилган вақтда қаҳвахонада учрашишди. Сўнг одатдаги

Астраханга борамиз? Қандай қилиб «кўки»дан топамиз? Ёки алкаш аёллар билан кунимизни ўтказиб юраверамизми?

— Хайронман. Қаердан пул топишни билмай қолдим. Ҳозир бировдан қарз сўраб бўлмайди. Пули борлари ҳам бизга бермайди. Агар Астраханга бориб тўрт-беш сўм пул топсам уйланаман.

— Ҳа, ёшинг ҳам 30 дан ўтаяпти.

Уйланишинг керак. Сенга бир ёрдан қилмоқчиман. Бир ишни режалаштириб қўйдим. Мен илгари иккинчи янган Илмира билан Лариса деган аёлнинг уйда ижарада яшаганман. Яхши аёл. Тилла тақинчоқлари кўп. Боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Ўтган йили Россияга бориб «кўки»дан ишлаб келган. Топишиям яхши. Лекин кейинги пайтда кўп ичадиган бўлиб қолган. Шунини кўзга олиб қўйдим.

— Ларисани яхши танийман. Бир йил олдин ўзингиз бу аёл билан таништириб қўйгандингиз-ку. Ёдингиздан чиқдимми? Бир-икки ой «суҳбат»ини олганман. Онаси билан опаси билиб қолгач, мени унинг уйдан ҳайдаб юборганди.

— Унда бугун унинг уйига бозордан ул-бул харид қилиб бор. Бир-икки шиша ароқ олиши унутма. «Сенга уйланаман», деб ваъда бер. Бир-икки хафта бирга тур. «Сени севаман. Сенсиз менга ҳаёт йўқ», дея бошини айлантир. Хуллас, унинг ишончига кир.

— Сўнг нима қиламиз?

— Уни «тинчита»миз. Қолганини қўявер. Ишимиз ўхшаш қолса, бир кечада Россияга жўнаб кетамиз. Ҳеч ким билмайди. Астраханга бориш учун эса «кўки»дан керак. Йўл ҳақи, еб-ичиш дегандай.

— Бахтиёр ака, уни ўлдириб пулни ва тилла буюмларини олсак. Милиция билиб қолса...

— Сен аҳмоқ йигит экансан. Иш битгач, Урганчдан Россиянинг шаҳарларига жўнайдиган автобусларнинг бирига ўтириб суриб юборамиз. Урганчдан омон-эсон чиқиб кетсак бўлади.

— Барибир хавфли иш. Қолаверса одам ўлдириш.

— Бу дунёда жаннатда яшаётганларнинг ҳаммаси ҳам сенга ёки менга ўхшаб мардикор бозорда ишлайдими?..

Бахтиёрнинг топишириғига биноан Қахрамон ўша куни бозор-ўчар қилиб кечга яқин Ларисанинг уйига борди. Икки-уч кун бирга яшагач, Ларисага уйланишини айтиб Хонқа туманида яшайдиган ота-онасиникига олиб бориб «келинпошша»ни таништириб келишини

Яшаш ҳуқуқи хар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 24-моддасидан)

Абдуллоҳ ибн Умар: Кутилиб бўлмайдиган мушкул ҳолатлардан бири — кишининг ноҳақ қон тўкиб қўйган ҳолатидир! — дедилар.
(Ҳадисдан)

TO'RTINCHI HOKIMIYAT HAQIDA SO'Z

Газетамизда вилоят прокуратуралари муассислигида чоп этилаётган нашрларнинг шарҳини бериб бориш аёнанага айланди. Ушбу мақоламизда Навоий вилояти прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Qonun kuchi» ва «Фемида» газеталари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Мазкур газеталарнинг асосий мақсади жиноatchиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни ёритиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишдир.

Тахрибали журналист Тошпўлат Файзуллаев бош муҳаррирлик қилаётган «Qonun kuchi» ва «Фемида» газеталари вилоят прокуратурасидан ташқари вилоят суди, Ички ишлар ҳамда адлия бошқармалари фаолиятини ҳам кенг ёритиб келмоқда.

«Qonun kuchi» газетасининг 19-сонида вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими катта прокурори Т.Кенжаевнинг «Прокуратура жамоаси — голиб», жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг раиси Қ.Нурматовнинг «Инсон манфаатлари учун», вилоят ИИБ катта инспектори Н.Рахимованинг «Яна ўша фирибгар-ку», «Буюмларни эгаси олди» мақолалари шулар жумласидан. Газетада криминал мавзудаги мақолалар кенг ўрин ажратилган. Ана шундай йўналишдаги мақолалардан бири газетанинг 2003 йил 15 ноябрда эълон қилинган «38 ёшли Луиза Кувелина билан 41 ёшли Геннадий Караевнинг ҳаётида жанжалсиз кун камдан кун бўлган» деб номланган. Мақола муаллифи У.Жудук тумани прокурори Т.Турдимов эр-хотин ўртасида тез-тез бўлиб турган узаро жанжал охириқибат қотиллик билан тугаганлигини ҳикоя қилади. Газетанинг шу сонида Зарафшон шаҳар прокурори О.Азиевнинг «Героини гашиш» номли мақоласи чоп этилган. Ҳар иккала мақолада ҳам муаллифлар жиноятлар тарфилотини газетонга ҳикоя қилиш билан бирга жожеаларнинг илдизларини чуқур таҳлил қилиб берганлар.

даги мавзуларга алоҳида эътибор берилди. «Йўғ-э», «Такдирнома», «Нахотки» каби рунклардаги мақолалар шулар жумласидандир. Ушбу саҳифа билан танишган, ишдан ҳориб-чарчаган кишининг руҳияти кўтарилиши, кўнглига илиқлик югуриши турган гап.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан «2004 йил — Меҳр ва мурувват йили» деб номланди. Ана шу мавзуга таҳририят алоҳида эътибор қаратган. Газетанинг 2004 йил 15 январь сонида «Меҳрибонлик уйи»га таширф» номли мақола берилди. Зарафшон шаҳар прокурорининг ўринбосари А.Деҳқоновнинг «Болалар отада қолди» мақоласини ҳам ушбу мавзунинг узвий давоми дейиш мумкин. Улардаги сурат-лавҳалар эса мавзунини янада бойитган. Газета кўлга киритаётган ютуқлардан яна бири мақолалар мавзусининг ранг-баранглигидир. Энг асосийси, газета «хисобот» мақолалар билан тўлдириб ташланмаган.

Бозор иқтисодиётининг талаб ва тақлиф деган қондалари бор. «Qonun kuchi» газетаси ҳузурида «Фемида» газетасининг чоп этилишини ана шундай талабнинг маҳсули деб аташ мумкин. Газета русий забони юртдошларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга имкон қадар хизмат қилмоқда. 2004 йилнинг 31 январь кунга газетанинг 100-сонини ўқувчилар кўлига етиб борди. Унинг ана-шу сонида чоп

Газетанинг 4-саҳифасида ўқувчиларини қизиқтирган, дам олиш характери-этилган С.Украцеванинг «Духовное» возрождение через примерение» мақоласида либераллаштириш сиёсати ва қонунларимизнинг инсонпарварлик жиҳатлари жазо тайинлаш амалиётидаги ўзгаришлар тўғрисида фикр юритилди. Бу борада прокуратура ва ИИБнинг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги қаламга олинди.

ҲУҚУҚИЙ НАШР ҲАҚИҚИЙ НАШРГА АЙЛАНДИ

«Фемида» газетасида ҳуқуқий мавзудан ташқари ўқувчиларни қизиқтирган бошқа мавзуларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, Навоий вилояти ўзининг олтини билан дунёга машҳур. Албатта, бу мавзу «Фемида» саҳифаларини ҳам чет-лаб ўтмаган. «НГМК: Люди и дело» интервьосининг қаҳрамони Олий Мажлис депутати, Навоий тоғ-қон металлургия комбинати директори Н.Кучерскийдир. Сўхбатда нафақат ишлаб чиқариш, балки улкан корхонанинг савобли ишлари ҳақида ҳам сўз борди.

Хуллас, «Qonun kuchi» ва «Фемида» газеталарининг ҳар бири сонини ҳақида кўп-ла яхши мулоҳазалар билдириш мумкин. Лекин уларнинг янада оммабоп бўлиши учун газетанинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш керак назаримизда. Чунки газетадаги мақолалар қанчалик долзарб бўлмасин, саҳифалар даяин жиҳатдан «камбағал» бўлса ўқувчини ўзига жалб қила олмайди.

Газета ҳар жиҳатдан мукамал, бугунги кун ўқувчисининг талаби доирасида чоп этилсагина, ўз нуфузини йўқотмайди. Ўйлаймики, бундай жузъий камчиликларни бартараф этишга таҳририят жамоасининг икмонияти етати.

С.ОРТИҚОВА, Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

JURNALNING YANGI SONI

ҚОНУНИЙЛИК ВА АДОЛАТ ЙЎЛИДА



Мамлакатимиз Президентининг «халқ оқлики, йўқчилики, ҳамма нарсага чидаши мумкин, ammo адолатсизликка чидай олмайди» деган гапи бор. Дарҳақиқат шундай. Республика Бош прокурори Рашидхон Қодировнинг «Qonun himoyasida» журнаlining 2-сонида эълон қилинган «Қонунийлик ва адолат — давр талаби» мақоласида Ўзбекистон прокуратурасининг қонунийлик ва адолатни қорон топтириш борасида амалга ошираётган ишлари ҳусусида сўз юритилди.

ТДЮИ доценти Д.Аҳмедовнинг «Кўчи ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ҳуқуқий асослари» мақоласида тилга олинган ишларни ҳам адолатни қорон топтириш йўлидаги ҳаракат деса бўлади. Ҳақиқатан ҳам ноғиронлар ва мутоҳторларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилмаган давлат ўзини минг бор демократик давлат деб оламга жар солмасин, ҳақон афқор оммаси наздида обрў тополмайди.

Маълумки, бу йил буюк бобомиз Алишер Навоий тааваллудига 563 йил тўлди. Таниқли олим, профессор Нажмиддин Комиловнинг «Одавийлар одамийси» мақоласида улуг шоир ва давлат арбобининг меҳр-мурувват борасидаги фикрлари ва амалга оширган ишлари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, Навоий вилоят прокурори Б.Шомирзаев қаламига мансуб «Прокуратура инсон манфаатлари ҳимоясида» мақоласида ҳам вилоятда адолатни қорон топтириш борасида қилинган ишлар ҳусусида ҳикоя қилинади.

Ешлар тарбияси давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Тошкент шаҳридаги Ажал Икромов туман академик лицейи директори Ж.Ҳасановнинг журналда чоп этилган мақоласида ешлар тарбияси бўйича лицейда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳусусида сўз юритилди.

Шунингдек, журнализмнинг 2-сонида ҳуқуқшунос олим ва тадқиқотчиларнинг бир қатор илмий мақолалари, мазоий мутафаккирларнинг эзгулиги ва яхшилик ҳусусидаги ҳикमतлари ҳамда ёзувчи Э.Усмоновнинг «Ўлқон» сарлавҳали детектив кассиси чоп этилган.

Йўлдош ПАРДА, «НУҚУҚ» муҳбири

SALOMATLIK

ВАЗНИНГНИ БОШҚАРАСАНГ, СОБЛИНГНИ ҲАМ БОШҚАРАСАН

(Бошланғич ўтган сонда).

Замонавий ёндашув негизида сунрункали ёғ босишнинг табиатини, бинобарин, узок мuddатгача даволаш лозимлигини тан олиш ётади.

Семизликни даволашнинг ҳамма усуллари энергия тушишини камайтириш ва ёғи энергия сарфини кўпайтиришга қаратилган.

Семизликни даволаш усуллари: 1. Дори-дармонларсиз даволаш; 2. Дори-дармонлар билан даволаш; 3. Жарроҳлик йўли билан даволаш.

Липосакция (ёғни локал олиб ташлаш)ни косметологлар тарғиб қилишади ва буни беморлар яхши қарши олади. Чунки косметик муолажалар муаммоларни бирданга ҳал қилади, бироқ текшириш липосакция натижасида йўқотилган вазн ҳаёт мароми ўзгартирилмаганда тикланишини кўрсатади. Шунинг учун бу муолажа руй-рост семизликда стратегик аҳамиятга эга эмас.

ДОРИ-ДАРМОНЛАРСИЗ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Тўғри овқатланишни йўлга қўйиш ёғ босишни даволашда ҳал қилувчи ўринини эгаллайди дейиш мумкин. Муайян махсулотларни вақтинчалик чегаралаш эмас, балки овқатланиш одатларини аста-секин, узок мuddат ичда ўзгартириш вазнни самарали пасайтиришга олиб келиши мумкин.

Семиз беморга тавсия бериш қатъий ҳукм эмас, балки овқат танавул қилиш борасида оқилона ҳамкорлик қилишдир: сиз илгаридан кўра кўпроқ таом енг, овқатингизга аҳамият беринг, овқатдан ҳузур қилинг, бироқ газета парчасида тамадди қилманг, безитилган дастурхон атрофида оз-оздан енг. Ёғ истеъмолини имкон борича камайтиринг.

Тана вазнини пасайтириш учун организмнинг шу пайтгача олганига нисбатан камроқ калория истеъмол қилиши зарур.

Ёғ истеъмолни чега-ралаш ниҳоятда муҳим. Ёғли овқат калорияли бўлади. Ёғи кўп махсулотларни истеъмолдан чиқаринг ёғи ниҳоятда камайтиринг ва қийинчилик билан ўзлаштириладиган уг-леводлар — дағал тортилган ундан ёпилган нон, ёрмалар, макарон, саб-завот, меваларни кўпроқ истеъмол қилишингиз керак.

Танани ортиқча вазндан холи қилиш, энергия сарфини кўпайтириш учун одам жисмоний фаолигини кучайтириши лозим. Жисмоний юклама фойдаланилишига қарамай, вазнни кескин пасайтирма-лиги туфайли баъзан беморларнинг кўнгли тўлмайди. Бу ёғ массасининг қайта тақсимланиши ва мушак массасининг қўйилиши билан изоҳланади. Қисқа мuddатли юкламалар жигар гликогени сарфини, узок мuddатлилари эса ёғ захиралари сарфини таъминлайди.

Жисмоний юкламанинг энг оддий, ҳаммабоп ва самарали тури кунига 30-40 дақиқа, ҳафтасига 4-5 марта ва энг муҳими — мунтазам юриш ҳисобланади. Бироқ сизда юрак касалликлари, қандли диабет, артериал гипертензия, бўғим касалликлари бўлса, жисмоний машқлар дастурини албатта врач билан келишиб олинг!



СЕМИЗЛИК ҲАМ ХАСТАЛИКДИР

Датлилари эса ёғ захиралари сарфини таъминлайди. Жисмоний юкламанинг энг оддий, ҳаммабоп ва самарали тури кунига 30-40 дақиқа, ҳафтасига 4-5 марта ва энг муҳими — мунтазам юриш ҳисобланади.

Бироқ сизда юрак касалликлари, қандли диабет, артериал гипертензия, бўғим касалликлари бўлса, жисмоний машқлар дастурини албатта врач билан келишиб олинг!

ДОРИ-ДАРМОНЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ

Ёғ босишни даволаш учун фойдаланиладиган дориларга қўйил-диган асосий талаб қуйидагича: препарат тахрибада ўрганилган бўлиши, «очик» формулага эга бўлиши, таркиби истеъмолчига маълум бўли-

ши керак. Сийдик ҳайдовчи, тиреод гормонлар, гипотиздан олган «сўрма»ларни ишлатиш даври аллақачон ўтиб кетди.

Гийҳларнинг «сехрли» йиғиндисидан ҳақиқий муқобил сифатида фойдаланиб бўлмайди. Чунки бундай йиғималар таркибиде наркотик моддалар ёки хоссаси ўрганилмаган моддалар бўлиши мумкин. Модданинг ўсимликдан олиниши унинг кимёвий формуласи, рецепторлар билан боғлиниш хоссаси йўқ дегани эмас. Биз беморга берил-ётган препаратнинг ҳам ижо-

ҳам салбий хоссасини яхши билишимиз керак. Ахборотлар манбаи реклама проспектлари эмас, балки кўп қиррали ва жиҳдий тадқиқотлар бўлиши лозим.

Швейцариянинг «Хоффман ля-Рош» фармацевтик компанияси яратган янги «Ксеникал» препарати ҳозирги кунда ортиқча овқат ёғларининг сўрилишига йўл қўймайди-ган, периферик таъсирга эга ягона доридир. Европада беморлар уни тахминан икки йилдан буён истеъмол қиладилар.

«Ксеникал» вазнни камайтири-диган бошқа дорилардан сезиларли фарқ қилади. У бош миёнинг махсус марказига таъсир ўтказмасдан орга-низмдаги ортиқча ёғдан қутулишга имкон беради. «Ксеникал» фақат ичакларга, яъни ёғ босиш «бошла-наётган» жойга таъсир ўтказида. У

якши билишимиз керак. Ахборотлар манбаи реклама проспектлари эмас, балки кўп қиррали ва жиҳдий тадқиқотлар бўлиши лозим. Швейцариянинг «Хоффман ля-Рош» фармацевтик компанияси яратган янги «Ксеникал» препарати ҳозирги кунда ортиқча овқат ёғларининг сўрилишига йўл қўймайди-ган, периферик таъсирга эга ягона доридир. Европада беморлар уни тахминан икки йилдан буён истеъмол қиладилар.

«Ксеникал» вазнни камайтири-диган бошқа дорилардан сезиларли фарқ қилади. У бош миёнинг махсус марказига таъсир ўтказмасдан орга-низмдаги ортиқча ёғдан қутулишга имкон беради. «Ксеникал» фақат ичакларга, яъни ёғ босиш «бошла-наётган» жойга таъсир ўтказида. У

қонга сўрилмайди ва одам организмига қўшимча таъсир кўрсатмайди. «Ксеникал» ичакларда ёғларни пар-чалайдиган ҳазм ферментини — липа-занинг ишлашига йўл қўймайди. Бу фермент ёғларни парчалаб, ичак-лар девори орқали сўрилишига тай-ёрлайди. Агар бу ҳодиса бўлмаса, ёғлар сўрилмайди.

«Ксеникал» вазнни камайтириб-гина қолмай, балки соғлиқ ва кай-фиятингизни яхшилайди.

«Ксеникал»ни истеъмол қилиб қуйи-даги натижаларга эришиш мумкин: 1. Вазнни камайтириш ва унинг қайта ортишига тўсқинлик қилиш;

2. Ошган артериал босимнинг ишонарли пасайиши;

3. Қонда ошган холестерин миқ-дорининг камайиши ёки ёғ босган шахсларда иккинчи типдаги қандли диабетнинг авж олишини пасайти-риш;

4. Қонда ошган қанд миқдори-нинг пасайиши;

5. Узок вақт қўлланилганда ҳам хавфсиздир, чунки ўрганиб қолишга олиб келмайди.

Бироқ ёғ босишни даволаш учун дори истеъмол қилишдан олдин му-тахассислар билан қуйидаги теле-фонлар орқали маслаҳатлашиб олинг:



МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

162-47-03 (иш кунлари соат 10⁰⁰ дан 14⁰⁰ гача)
53-17-94 (ҳар кунни якшанбадан ташқари 9⁰⁰ дан 15⁰⁰ гача)

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sisichilar:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.

TEL: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz.
FAX: 133-64-85, 133-10-53.

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Myaliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 470. 22465 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahhifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Newbatchi muharriri: D.HALILOV
Newbatchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasida o'fset usulida chop etiladi. Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftana chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 18.30. 1 2 3 4 5 6 7 8